



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ КУН ТАРТИБИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон банки президентининг ўринбосари Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорлик даражасини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Анна Бьердени Жаҳон банки президентининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинлангани билан самимий табриклаб, унга катта муваффақиятлар тилади. Кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама ҳамкорлиқнинг бугунги юксак даражаси катта мамнуният билан қайд этилди. Банкнинг ҳар томонлама қўмаги билан

мамлакатимизда бозор ислохотлари ва ижтимоий янгиланишлар дастурини амалга ошириш давом этаётгани таъкидланди. Жаҳон банки гуруҳининг тузилмалари иштирокидаги лойиҳаларни илгари суриш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуи белгиланган "йўл харитаси" амалга оширилмоқда, "Мамлакат платформаси" тизими жорий этилган. Лойиҳаларнинг умумий портфели 7 миллиард долларга етмоқда. Амалдаги дастур таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, транспорт каби устувор соҳалар ва бошқа кўплаб йўналишларни қамраб олган умумий қиймати 4,1 миллиард долларлик 23 та лойиҳани ўз ичига олган. Жаҳон банки пандемия оқибатларини енгиб ўтиш мақсадида биринчилардан

бўлиб ёрдам кўрсатди. Биргина ўтган йилда 1,6 миллиард долларлик янги лойиҳалар маъқулланди. Бундан ташқари, Банк экспертлари маслаҳат-техник қўмак кўрсатмоқда, давлат корхоналарини трансформация қилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, электр энергетикасининг барча бўғинларини ислох этишда қатнашмоқда. Мўқобил энергия манбаларини жорий қилиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Делегация ташрифи давомидида сув таъминоти тизимини яхшилаш ва инновациялар соҳасидаги миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати қарийб 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди. Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон

банки билан янги беш йиллик Шериклик дастурини пухта тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди. Жаҳон банки президенти ўринбосари Анна Бьерде Банк мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни юксак баҳолаши ва уларни амалга оширишда зарур қўмак кўрсатишда давом этишини таъкидлади. "Ўзбекистон тарихан қисқа даврда жуда катта ишларни амалга оширди. Ислохотлар мамлакатнинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасини фундаментал равишда ўзгартириб юборди. Шу тўғрйли мамлакатнингиз ҳокимий инвесторлар учун жозибадор", деди етакчи халқаро молиявий институт раҳбари. Ўзбекистон Президенти томонидан Жаҳон банки билан кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича таклиф

этилган янги кун тартиби тўлиқ қўллаб-қувватланди. Хусусан, кун тартибидан қуйидаги шериклик йўналишлари ўрин олган: — энг аввало, қишлоқ жойларда тадбиркорлиқни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ишбилармонлик ташаббусларини илгари суриш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватлаш; — сезиларли натижаларга эришиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгиланишлар самарадорлигини ошириш; — республика ҳудудларини жадал индустриаллаштириш дастурини амалга ошириш ва ўрта шахарларни ривожлантириш лойиҳасини давом эттириш;

— тараққиётнинг инновацион моделига ўтиш, "яшил иқтисодиёт"ни жорий қилиш; — ер муносабатлари соҳасидаги ислохотларни давом эттириш; — коррупцияга қарши курашиш ва давлатнинг ривожланиш институтлари салоҳиятини ошириш; — йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини биргаликда илгари суриш. Учрашув якунида ҳамкорлиқнинг юксак суръатларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги стратегик шерикликка доир устувор дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида доимий мулоқотлар ва самарали алоқаларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тинчлик ва соғлиқ — инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Сўнгги бир йилда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу йил соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилга нисбатан 3 баравар кўп маблағ ажратилди. Лекин тизимда самарадорлик ва аҳолига қўлайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фойда аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган. Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни 5 та йўналишда кўрсатиб ўтди. Биринчиси — бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш. Иккинчиси — ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор до-

ирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш. Учинчиси — рақамлаштириш орқали соҳада қўғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш. Тўртинчиси — тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш. Бешинчиси — тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фани ривожлантириш. Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. — Тиббиётдаги ислохотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлиқини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта, ўзгариш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. Аввало, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5924-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг тартибдаги таълимий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6099-сон фармонларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш;

барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турлари бўйича йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳорати эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш;

паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлан-

тириш, жисмоний ва ижтимоий мослашуви интеракциясини дастурий-услубий таъминлаш, касбий реабилитация ва кадрлар тайёрлаш; спорт таълим муассасаларида (шу жумладан, олий таълим муассасаларида) фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қучайтириш; жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида махсус таълим муассасаларида ҳамда маҳалларда спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш; барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун замонавий моддий-техник базани шакллантириш. 2. Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси негизда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (кейинги ўринларда — Паралимпия қўмитаси) ташкил этилсин.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ БМТДА МАЪҚУЛЛАНДИ

2021 йил 18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақидаги резолюция қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Озарбайжон, Жазоир, Афғонистон, Бангладеш, Беларусь, Венгрия, Вьетнам, Грузия, Миср, Ҳиндистон, Иордания, Эрон, Хитой, Марокаш, Непал, Умон, Покистон, Парагвай, Россия, Руанда, Руминия, Сенегал, Сингапур, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Япония каби 60 дан зиёд давлат ушбу резолюция ҳақмуаллифлари бўлди.

Маълумки, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ташаббуси 2018 йил август ойида Туркманбўши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъсисчи-давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илк бор илгари сурилган эди. Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрда ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида аъзо давлатларни ушбу масала бўйича махсус резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга чақирди. Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мазкур ташаббус юқори технологияли инновациялар, экологик тоза, энергия ва сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва тартиб

қилишга инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, "яшил" иқтисодиёт таъминлашнинг кенг қўллаш, тупроқ деградацияси, чўллангиш ва экологик миграциянинг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганини таъкидлади. Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, ташқи сиёсат маҳкамаси, хориждаги элчихоналаримиз ва Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси томонидан республикадаги барча манфаатдор вазирликлар билан биргаликда давлатимиз раҳбари ташаббусини амалга ошириш доирасида кенг қўламли ишлар олиб борилди.

► Давоми 2-бетда

СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ҒАЛАБАЛАРГА, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЮКСАЛИШГА ҚОДИР!

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус фарзандларимизга қанот бўлмоқда. Ушбу ташаббуснинг — ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитларни яратишга бағишланган ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШИ бўйича материаллар билан 3-6-саҳифаларда танишасиз.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАРАЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

▶ Бошланиши 1-бетда

Белгилансинки, Паралимпия кўмитаси Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, ҳалқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар **Паралимпия кўмитасининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

паралимпия спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашининг янги тизимини йўлга қўйиш;

ёзги ва қишки паралимпия спорт турларини ривожлантиришга қўмаклашиш, спорт объеклари ва иншоотларининг концепциялари, техник топшириқлари, техник-иқтисодий асослари/параметрлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва чемпионатлар, форумлар, конференциялар, семинарлар ва юклатилган вазифалардан келиб чиқиб бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, улар орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро тушуниш ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш;

паралимпия спорт турлари билан шугулланадиган тренерлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва касбий ривожлантиришнинг замонавий ва самарали тизимини жорий этиш;

республикада ёки бошқа халқаро спорт федерациялари (ассоциациялари) ва бошқа ташкилотларда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, ўз аъзоларини ахборот, илмий-услубий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

паралимпия спорт турларини ривожлантириш бўйича клублар фаолиятини ташкиллаштириш ва самарали боқариши, миллий ва халқаро спорт ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш.

4. Жойларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Паралимпия кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳудудий паралимпия бўлинмаларининг молиявий ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тегишли ҳудудда паралимпия спорт турларини ривожлантириш учун ҳомийлар бириктирилишини, шунингдек, уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар ажратилишини;

Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқишлиши ва киритилишини;

2022 йилдан бошлаб тасдиқланадиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳоимийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳудудий паралимпия бўлинмаларига маблағ ажратилишини таъминласин.

5. Паралимпия кўмитасининг бошқарув ҳодимлари умумий чекланган сони 24 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Паралимпия кўмитаси раисига, зарур ҳолларда:

Паралимпия кўмитаси тузилмасига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

мазкур қарорга асосан ташкил қилинаётган Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши билан келишилган ҳолда, Паралимпия кўмитасининг ўз маблаглари ҳисобидан унинг тузилмасига қўшимча лавозимларни киритиш, шунингдек, юқори малакали мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Паралимпия кўмитаси 2021 йил якунига қадар Паралимпия кўмитаси ҳузурида паралимпия спорт турлари бўйича клубларни ташкил этсин, улар фаолиятини мувофиқлаштирсин ҳамда сақлаш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

7. Паралимпия спорт турлари билан шугулланадиган тренерлар ва услубчи-йўриқчилар, қўзи оқизлар, кар ва заиф эшитувчилар, ампутантлар билан ишловчи мутахассислар (сурдо, тифло-сурдо ва халқаро-сурдо таржимонлари) ҳамда бошқа кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Паралимпия факультети ташкил қилинсин.

8. Паралимпия кўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассислари тайёрлаш институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Институт паралимпия спорт турлари билан шугулланадиган тренерлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган илмий-таълим муассасаси ҳисобланади.

Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

шартнома (пуллик) асосида кўрсатиладиган хизматлар;

юрдик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳоимийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Институт фаолиятини қўшимча молиялаштириш учун Давлат бюджети маблаглари ҳам йўналтирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Институт фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Паралимпия кўмитасининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб “Спорт ҳамма учун” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, “Спорт ҳамма учун” лойиҳаси доирасида:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни параспорт турлари билан кенг қамраб олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятга интеграция қилиш мақсадида бир йилда бир марта Параспорт халқаро фестивали ўтказилади;

ҳар йили 3 декабрь куни — Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб қўзи оқизлар, заиф эшитувчилар ва ампутантлар ўртасида параспорт турлари туркумига киритилган параспорт тенниси, 5х5 футбол, голбол, паравенгил атлетика, параспауэр-лифтинг, парабадминтон, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Тошкент шаҳрида республика параспорт фестивали, шунингдек, бошқа ҳудудларда параспорт фестиваллари ўтказилади;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) қўувчилари ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади, таниқли спортчилар томонидан мастер-класслар, шунингдек, семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) “Спорт ҳамма учун” лойиҳаси доирасида амалга оширилиши белгиланмаётган ва бошқа чора-тадбирларни самарали ва тўлиқ ташкил этсин, уларни ўтказиш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларида, шунингдек, бошқа тегишли олий таълим муассасаларида “Паралимпия” кафедраси, шунингдек, “Адаптив соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт” магистратура мутахассислиги очилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Паралимпия кўмитаси тавсиясига асосан, олимпия захиралари коллежларининг паралимпия спорт турлари бўлинмаларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 5 фойизга қўшимча квоталар ажратилади;

давлат спорт таълим муассасаларида паралимпия спорт турлари бўйича тренерларнинг лавозим машишни ҳисоблашда базавий тариф ставкалари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг спорт объектилари, иншоотлари ва жиҳозларидан фойдаланган ҳолда, улар базасида Паралимпия кўмитаси ҳузурида Паралимпия спорт марказлари ташкил этилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов икки ҳафта муддатда Паралимпия спорт марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг аниқ жойлашган жойи, номи ва рўйхатини тасдиқласин.

12. Қуйидагилар Паралимпия спорт марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларда спорт билан шугулланиш қобилиятларини аниқлаш ва уларни адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган машғулотларга жалб қилиш;

халқаро спорт майдонида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон паралимпия терма жамоалари учун спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш;

зарур замонавий моддий-техника базасини яратиш ҳамда спорт машғулотиари ўт-

казиш учун малакали тренерлар таркибини танлаш, спорт захираси ва спорт турлари бўйича юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш;

спорт тайёргарлиги босқичларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш усуллари ҳамда шаклларининг ўзвийлигини таъминлаш;

спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлиқни ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш.

13. Белгилансинки:

Паралимпия спорт марказлари юридик шахс мақомига эга бўлади, уларнинг фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш Паралимпия кўмитаси томонидан амалга оширилади;

Паралимпия спорт марказларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб муассиснинг маблаглари, фаолият ихтисослиги бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар, асосий машғуллар ўтказиладиган вақтда бўш бўлган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳоимийлик хайриялари, халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблаглар ҳисобланади.

14. Қуйидагилар:

Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши ташкил қилинсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ;

Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгаши (А.А. Абдуҳакимов):

икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021 йилда паралимпия спорт турларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича манзилли ҳудудий дастурларни тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин;

паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳоимйлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблагларини жалб қилсин.

Белгилансинки, Паралимпия кўмитасининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, унга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш Республика кенгаши томонидан амалга оширилади.

15. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов) вазирлик марказий аппаратида паралимпия спорт турларини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган таркибий бўлинма ташкил этсин ҳамда камида икки нафар қўшимча штат бирлигини ажратиб орқали малакали мутахассис билан таъминласин.

16. “Чорвоқ” эркин туристик зонаси Маъмурий кенгаши (А.Н. Арипов) 2021 йил якунига қадар мазкур зонада камида 50 гектарга тенг бўлган ер участкасини жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига истисно тарихидада бепул ажратиш чора-

ларини кўрсин. Бунда, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шугулланиши учун спорт объектилари ва иншоотларини барпо этишга йўналтириладиган маблаглар тадбиркорлик субъектларининг солиқ солинадиган базасидан белгиланган тартибда чегириб ташланади ҳамда ушбу объектилар ва иншоотлар Паралимпия кўмитасига бегараз берилади.

17. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов):

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Паралимпия кўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда, ҳудудларда курилиш режалаштирилган спорт иншоотлари ва спорт майдончаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар ярати-лишини назарда тутисин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат томонидан молиялаштириладиган спорт иншоотлари ва спорт майдончалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар назарда тутилмаган тақдирда ушбу лойиҳалар учун молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда давлат комиссияси томонидан қабул қилинмайди.

20. Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда барпо қилинадиган олимпия ва паралимпия шаҳарчаси лойиҳасида Паралимпия спорт марказини ташкил этишни назарда тутисин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия кўмитаси билан биргаликда адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турларини ўргатиш методикаси бўйича телекурсларулар ва радиоэшитиришлар ташкил этсин, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш бўйича алоҳида кўрсатувлар намойиш этиш орқали спортга кенг жалб қилиш медиа-режасини ишлаб чқисин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига (А.А.Абдуҳакимов-га) киритсин.

22. Туризм ва спорт вазирлиги:

уч ой муддатда республикада фаолият юритаётган паралимпия спорт турларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва уларни Спорт турларининг реестрига киритиш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 18 май	

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ БМТДА МАЪҚУЛЛАНДИ

▶ Бошланиши 1-бетда

2019 йил 25 октябрь куни Нукусда “Орол денгизи минтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” мавзусида юқори даражали халқаро конференция ташкил этилди. Унда илк бор резолюция лойиҳаси тақдим этилди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерреш форум иштирокчиларига видеомурожаатда Орол денгизининг қуришини замонамизнинг энг катта экологик офатларидан бири деб атади.

COVID-19 пандемияси сабаб БМТ Бош Ассамблеяси фаолиятидаги жиддий чекловларга қарамай, қисқа вақт ичида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, чет элдаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан резолюциянинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида БМТга аъзо давлатлар билан қўллаб-қувватлашлар ўтказилди, юқори даражадаги форумлар, БМТ асосий тузилмаларининг ялли ва махусус йиғилишларида унинг долзарблigni таъкидланди.

Резолюция матнини келишиб олиш учун БМТ аъзоларини кенг жалб этган ҳолда, қатор норасмий маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда фаол иштирок этган Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа, Африка, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка давлатлари делегациялари Ўзбекистон Президентининг ташаббусини юксак баҳолади, шунингдек, унинг нафракат Марказий Осиё, Балқи жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун ҳам ўта муҳимлигини эътироф этди.

Бош Ассамблея қабул қилган махсус резолюция:

— Оролбўйи минтақасидаги экологик,

ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини эълон қилади;

— бундан бўён ҳам Оролбўйи минтақаси табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва аҳоли ҳаёт сифатини ошириш манфаатлари йўлидаги илмий-тадқиқот маслаҳатлашув фаолиятини рағбатлантиради;

— Орол денгизи инқирозси оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизининг қуриб қолган тўбиди туз, чанг-тўзон кўтарилишига мойил бўлган қум юзюмларида ўрмон мелиорацияси усулларини барқарор қўллаш йўли билан янада чўлланишининг олдини олиш, салбий экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатиш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказиш йўлидаги минтақавий ҳамкорлиқни фаоллаштириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим эканлигини таъкидлайди;

— аъзо давлатлар, БМТ тизимидаги жамғармалар, дастурлар ва тузилмалар, халқаро молия институтлари ва бошқа манфаатдор томонларни 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига мувофиқ, Оролбўйи минтақасида фанларор тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, иқлишув ва экологик барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда энергия ва сувни

18. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорга асосан, жорий йилда қўзда тутилган чора-тадбирлар ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблаглар 2021 йил Давлат бюджетида Туризм ва спорт вазирлиги учун қўзда тутилган маблаглар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

19. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда, ҳудудларда курилиш режалаштирилган спорт иншоотлари ва спорт майдончаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар ярати-лишини назарда тутисин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат томонидан молиялаштириладиган спорт иншоотлари ва спорт майдончалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар назарда тутилмаган тақдирда ушбу лойиҳалар учун молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда давлат комиссияси томонидан қабул қилинмайди.

20. Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда барпо қилинадиган олимпия ва паралимпия шаҳарчаси лойиҳасида Паралимпия спорт марказини ташкил этишни назарда тутисин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия кўмитаси билан биргаликда адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турларини ўргатиш методикаси бўйича телекурсларулар ва радиоэшитиришлар ташкил этсин, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш бўйича алоҳида кўрсатувлар намойиш этиш орқали спортга кенг жалб қилиш медиа-режасини ишлаб чқисин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига (А.А.Абдуҳакимов-га) киритсин.

22. Туризм ва спорт вазирлиги:

уч ой муддатда республикада фаолият юритаётган паралимпия спорт турларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва уларни Спорт турларининг реестрига киритиш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

▶ Бошланиши 1-бетда

Юртимизда 17 та ихтисослашган тиббиёт маркази бор. Улар томонидан жойларда тиббий қўриқлар ўтказилаётгани натижасида касалликлар эрта аниқланиб, оворагарчиликларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, Фтизиатрия ва Педиатрия марказлари барча ҳудудларда ўз филиалларини ташкил этгани боис, Тошкентга келувчи беморлар сони сўнгги 2 йилда қарийб 20 фойизга камайган.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, жарроҳлик амалиётини талаб этмайдиган юрак-көнг томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини туманларда амалга ошириш мумкин. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, қўрак ва қорин бўшлиғи йўналишларидаги жарроҳлик муолажаларини вилоят даражасида ташкил қилиш учун шароитлар етарли.

Республика марказларида эса мураккаб ташхисли касалликлар ва юқори технология амалиётлар бажарилиши устувор бўлиши керак.

Шу боис, вилоят ва туман шифохоналарида даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаб, қуйи бўгин шифокорлари малакасини ошириш чоралари белгиланди.

Ҳокимликларга ҳудудий тиббиёт му-

ассасаларини ангиограф, лапароскоп, сунъий қон айлантириш каби юқори технология усуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларига лицензия бериш тартибини соддалаштириб, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги айтилди.

ИККИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларни жисмоний чиниқтириш,
уларнинг спорт соҳасида
қобилиятини намоён қилиши
учун зарур шароитларни
яратиш



Республикаимиздаги **51 600** дан зиёд
спорт иншоотларида **100** мингдан ортиқ спорт
тўғараклари ташкил этилган.



Ўтган икки йил давомида Олимпия ўйинлари
ғолиблари, жаҳон ва Осиё чемпионлари
бўлган **204** спортчи туман ва шаҳарларга
бириктирилди. Шунингдек, **92** нафар
худди шундай спортчи спорт мактабларида
раҳбарлик лавозимига тайинланди.



Иккинчи ташаббус доирасида **2020** йилнинг март ойидан
2021 йил январига қадар **16** минг **148** оммавий спорт
мусобақаси ўтказилиб, уларга **1** миллион **300** мингдан
зиёд аҳоли, асосан, ёшлар жалб этилди.



Умумтаълим мактабларига **1,6** миллион,
коллеж ва академик лицейларга **340** минг,
олий таълим муассасаларига **18** минг,
болалар-ўсмирлар спорт мактабларига **341** минг,
хусусий ва бошқа спорт иншоотларига **419** минг
ёшлар қамраб олинди.



Бугун юртимизда **283** та болалар-ўсмирлар спорт мактаби,
15 та ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати,
15 та олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган
мактаб-интернати, **6** та олий спорт маҳорати мактаби, **6** та спорт
турларига ихтисослаштирилган республика мактаблари фаолият кўрсатмоқда.



2020 йилдан бошлаб
юртимизнинг

14 шаҳри ва **28** туманида
бешта муҳим ташаббусни рўйга
чиқариш ишларини намунали ташкил
этиш мақсадида спорт мактаблари
ташаббускор ҳомийлар томонидан
таъмирланиб, зарур спорт жиҳозлари
билан таъминланди.



Халқ таълими тизимидаги
10 008 та умумтаълим
мактабининг
7 700 тасида спорт зали,
шунингдек, **29 073** та
баскетбол, волейбол, футбол,
гандбол, мини футбол учун
мўлжалланган майдонча
ва теннис кортлари мавжуд
бўлиб, уларда **10** та спорт
тури бўйича **49 196** та
спорт тўғараклари фаолият
юртмоқда.





Аваз КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
туризм ва спорт вазири
ўринбосари

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг иккинчиси бевосита жисмоний тарбия ва спортга қаратилган бўлиб, унда ёшларни жисмоний чиқиштириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Бугун юртимизда уларнинг сифатли таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шароит йўқ эди, яратилди

Яқин йилларгача юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти мавжуд бўлиб, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражасини етарли, деб бўлмасди.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратсак, 2019 йил бошида мамлакатимиз бў-



йича умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланши даражаси атиги 56 тумани бўлган. Худудлар кесимида оладиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич бор-йўғи 12 фоиз, Хоразм вилоятида 14 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 15 фоиз эди.

Энди, ўзингиз ҳолис баҳо беринг, шундай шароитда ёшларимизнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайишини тасаввур қилиш мумкинми? Спорт билан шуғулланаман деса-ю, спорт иншооти бўлмаса ёки спорт анжомлари етишмаса, биз қандай қилиб жисмоний баркамоллик ҳақида гапирамиз?

Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида ана шу кемтиклик тўлдирилди. Бунда даставвал, Тошкент вилояти Бўка тумани тажрибаси амалиётга жорий этилди. Ҳозир бу борадаги тизимли ишлар юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда. Бу ўз ўрнида, мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантиришга катта туртки бўлди.

Аввало, вазирлигимиз томонидан ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини аниқлаш мақсадида 7 дан 30 ёшгача бўлган 14,1 миллион йигит-қиз ўртасида сўровнома ўтказилди. Натижада 4,2 миллиондан ортиқ ёшларнинг спорт тўғрисида шуғулланиш истаги борлиги маълум бўлди. Қаранг, бу қанчалик катта рақам. Беш ташаббуснинг асл моҳияти ана шу рақамнинг ўзида ҳам намоён бўлади. Олдимизда эса

СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ҒАЛАБАЛАРГА,

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ ЭНГ ЯХШИСИГА МУНОСИБ

шунча йигит-қиз истагини амалга ошириш вазифаси турарди.

Шу мақсадда юртимиздаги спорт иншоотлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларда 2,7 миллиондан зиёд ёшларни қамраб олиш имконияти мавжудлиги аниқланди ва ушбу спорт иншоотларида шуғулланувчи ёшлар тақсимлаб чиқилди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларида зарур шароитлар яратиш борасида, биринчи навбатда, мамлакат бўйича барча умумтаълим мактабларининг мавжуд спорт иншоотлари ҳолати, қуввати ва жиҳозланиши ўрганилди. Унга кўра, 9 691 мактабнинг 7 365 тасида (76 фоиз) спорт зали, шунингдек, 26 584 та (баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, мини футбол) спорт майдончаси ва теннис корти мавжудлиги аниқланди. Демак, улардан унум-

ги, “Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги”, “Таълим муассасалари ҳафталиги” каби шiorлар остида аҳолининг кенг қатламини спортга жалб этишга қаратилган мусобақаларни ўтказиш тизими ҳам йўлга қўйилди. Ушбу ҳафталиклар доирасида мамлакат бўйича 6 мингдан ортиқ оммавий спорт тадбирлари ўтказилди ва уларга 611 мингдан зиёд аҳоли жалб этилди.

Бундан ташқари, оммавий жисмоний тарбия машқларини тарғиб қилиш бўйича ОАВ, интернет тармоқлари, айниқса, телевидение орқали ҳар кун 3 марталик 3-5 дақиқадан иборат гимнастика билан шуғулланиш бўйича видеороликлар намоён қилишга қўйилди. Аҳоли, айниқса, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида маҳаллаларда, қишлоқларда, истироҳат ёғларларида, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотлар-



ли фойдаланиш керак. Шу ишга киришдик, яъни умумтаълим мактабларида 1,6 миллион, коллеж ва академик лицейларида 340 минг, олий таълим муассасаларига 18 минг, болалар-ўсмирлар спорт мактабларига 341 минг, хусусий ва бошқа спорт иншоотларига 419 минг нафар ёшлар қамраб олинди.

Қолган 1,5 миллиондан ортиқ ёшларни ҳам соғлом турмуш тарзига жалб этиш учун қўшимча 421 спорт иншоотига эҳтиёж мавжуд эди. Бугун бу борадаги ишлар жадал давом эттирилмоқда, хусусан, ёшларни турли спорт тадбирлари ва мусобақаларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чемпионлар янги чемпионлар авлодини тарбиялашга киришди

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида ўтган икки йил давомида Олимпия уйинлари ғолиблари, жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бриктирилди. Шунингдек, 92 нафар худди шундай спортчи спорт мактабларида раҳбарлик лавозимига тайинланди.

Бундан ташқари, Андижонда бокс бўйича Олимпия уйинлари ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Ўткирбек Хайдаров, Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича Олимпия уйинлари совриндори Ришод Собиров, Навоийда бадий гимнастика бўйича Осиё уйинлари ғолиби Жамила Раҳматованинг спорт мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

Мусобақаларда тобланиб...

Спортнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида шу кунгача аҳолининг турли қатламлари, жумладан, уюлмаган ёшлар ва oilалар ўртасида жами 53 мингдан ортиқ оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Ушбу тадбирларга 4 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди. Хусусан, иккинчи ташаббус асосида 2020 йилнинг март ойдан 2021 йил январга қадар 16 минг 148 та оммавий спорт мусобақаси ўтказилиб, уларга 1 миллион 300 мингдан зиёд аҳоли жалб этилди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини оммавий спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида мактабларда ҳаракатли уйинлар, енгил атлетика, мини футбол, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, бадминтон ва стол теннис турларидан 1-4-синф ўқувчилари ўртасида турт босқичли “Болажонлар спорт жамоалари”, 5-9-синф ўқувчилари ўртасида эса “Ёшлик спорт жамоалари” спорт мусобақаларининг куйи босқичлари ўтказилди ҳамда ушбу мусобақаларда 4 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

2018 йил октябр ойдан бошлаб “Ёшлар ҳафталиги”, “Хотин-қизлар ҳафтали-

да эрталабки оммавий бадантарбия машқлари ўтказилмоқда. Юртимиз бўйича бир кунда ўртача 2-3 миллион аҳоли, корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимлари эрталабки бадантарбия машқларида, оммавий юриш марфонларида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Саломатлик кун” акцияларида иштирок этмоқда.

Катта ёшдаги аҳоли қатламини ҳам жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш борасида, асосан, умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларидан фойдаланилмоқда. Бунда, ушбу иншоотлардан соат 16:00 дан 21:00 гача, дам олиш кунлари эса эрталабдан кечгача 352 минг нафардан ортиқ аҳоли, жумладан, банд бўлмаган ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун имконият яратилди.

2020 йил май ойдан бошлаб юртимизнинг 14 та шаҳри ва 28 туманида бешта муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ишларини намунали ташкил этиш мақсадида спорт мактаблари ташаббускор ҳомийлар томонидан таъминланди, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Бугун юртимизда 283 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби, 15 та ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, 15 та олимпия ва миллий спорт турларида ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 6 та олий спорт маҳорати мактаби, 6 та спорт турларига ихтисослаштирилган республика мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда фаолият олиб бораётган 11 мингдан ортиқ мураббийлар кўл остида 356 мингдан зиёд спортчи-ўқувчи олимпия ва миллий спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

Амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар замирида битта, яъни эртаимиз эгалари бўлган ёшларни жисмоний чиқиштириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб ўлгайиши, спорт бўйича истеъдодини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш мақсади мужассам. Зеро, янги Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари энг яхшисига муносиб.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ОРҚАЛИ МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши доирасида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия ва спорт
университети ректори

Кичик мусобақалардан катта спорт сари йўл

Бешта муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши борасидаги ишлар университетимизда, аввало, спорт, интеллектуал клублар ташкил этишдан бошланди.

“Қувноқлар ва зукколар” клублари сони 10 тага етиб, 500 нафар йигит-қиз қамраб олинди. “Қизларжон” клуби аъзолари сони эса 200 дан ошди. “Заковат” клубида 3 маротаба мусобақа ташкил этилди. 2021 йил февраль ойда университет ҳамда маҳалла ёшлари учун “Шахмат” клуби ташкил этилиб, бугунги кунда унда 200 йигит-қиз “ақл гимнастикаси” билан шуғулланмоқда.

Университетимиз бешта муҳим ташаббус доирасида турли мусобақаларни ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2020-2021 ўқув йилда каратэ, бокс, кураш, оғир атлетика, белбоғли кураш спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари мезбонлик қилди. “Универсиада — 2020” мусобақаларида университетимиз жамоаси 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, 20 нафар талаба-спортчимиз Токио Олимпиадасига йўлланмани кўлга киритди.

Албатта, бу каби муваффақиятлар замирида соғлом турмуш тарзи, спорт йўналишидаги ташаббусларнинг ўрни катта. Ёшларимизнинг спортга қизиқиши кучли. Фақат уларни рағбатлантириш, зарур шароитларни яратиш керак. Бешта муҳим ташаббус бу йўлда бизга муҳим дастуриламал бўлаётир.



ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАЁТГАН ИНСОНГИНА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАДИ

Абдуллох САГДИЕВ,
Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси раисининг
биринчи ўринбосари

Мамлакатимизда спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишохотлар мундарижасига эътибор берилса, бугун Ўзбекистон Англия ва Япониянинг ривожланаётган даврини эсластайди. Бундай дейишимга сабаб, ўша йиллари бу давлатларда аҳолини оммавий спорт машғулотиришга жалб этиш, турли-туман спорт мусобақаларини ўтказишга шу қадар катта эътибор берилгани, натижада аҳоли саломатлиги бўйича дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторига кўтарилган.

Айнан шу тамойиллар ва тўғри ҳулосаларнинг ҳаётга таътиқ этилиши Англия ва Япония аҳолисининг саломатлик даражаси ошишига ҳам сабаб бўлди.

Бугун мамлакатимиз ҳам шу йўлда. Спортга оид қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар, концепциялар, йўриқ-

Университет маҳаллага кўчди

Президентимиз шу йил 13 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу — олий таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлиги.

Ана шу ташаббусни амалга ошириш мақсадида университетга яқин жойлашган 10 та маҳалла билан ишлашни бошладик. Ҳозирда бу маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни университетда ташкил этилган спорт тўғрисидаги жалб қилиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга етарли шарт-шароит яратиш мақсадида университетда енгил атлетика, сузиш, кураш, самбо, гимнастика, бадий гимнастика, найза улоқтириш, оғир атлетика, таэквондо, дзюдо каби 24 спорт тури бўйича тўғрақлар очилди. Уларга ён-атрофидаги маҳаллаларда яшовчи 1000 га яқин уюлмаган ёшлар қамраб олинди.

Чирчиқдаги 4-умумтаълим мактабида 2 бор “Вазир соати” тадбирлари ташкил этилди ҳамда 100 дан ортиқ спорт инвентарлари, бадий ва илмий адабиётлар совға қилинди.

Спортни оммалаштиришда мураббийларнинг ўрни

Дарҳақиқат, спортни ривожлантириш, оммалаштиришда малакали мураббийлар масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, университетимизда қабул квотасининг оширилиши, айниқса, магистратурага қабул сони

кўпайиши спорт соҳаси бўйича илмий салоҳиятни ошириш, дунё тажрибасини татбиқ этиш, ўзбек спортининг ўзига хос янги, илмий асосланган тажрибасини яратишга замин бўлади. Энг муҳими, малакали мураббийларнинг кўпайиши қишлоқларда, олис ҳудудларда болаларни спорт билан шуғуллантириш учун ҳам кенг йўл очади.

Малакали мураббийларни тайёрлашнинг яна бир муҳим жиҳати, уларни маънавий етук қилиб тарбиялашдир. Чунки улар воситасида oilаларда соғлом турмуш тарзини, юксак ахлоқий муҳитни шакллантириш имкони мавжуд. Бошқа томондан эса моҳир мураббий тайёрлаган спортчи халқаро майдонда юртимиз номидан майдонга чиқади. Ана шу паллада спортчиларимизнинг нафақат профессионаллиги, балки одоб-ахлоқи, интеллектуал салоҳияти, маданияти билан ҳам давлатимизга баҳо берилади. Шу боис, университетимизда мураббийлар тайёрлашнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси ёшлар камолоти тимсолида Ўзбекистон имихини халқаро миқёсда юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бу қандай кўринишда намоён бўлади?

Айтайлик, мактаб ўқувчиси тонгда салқин ва ораста йўлакда югуришга чиқади, бадантарбия қилади, сўнг мактабга боради. Руҳи тетик, билимга чанқоқ, шижоатли фарзанд дарсдан чиқиб спорт тўғрисида йўл олади. Машғулотлар, сабоқлар, дўстлар билан муносабатлар уни чарқлатди, вужуди жисмоний ва руҳий қувватга тўлди. Табиийки, бундай ёшлар оламшумул ютуқларга эришишга қодир бўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ана шу сиёсат йўлида собитқадамлиги билан ҳам халқаро эътирофларга сазовор бўлмоқда. Чунки турт-беш йил олдин бошланган ёшларга эътибор бугун ўз самарасини берапти. Ёшларимиз спортнинг шахмат, бокс, кураш каби кўплаб йўналишларида аллақачон ўзини дунёга танитиб ўлгурди. Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси эса, бу йўлда уларга қанот вазифасини ўтамоқда.

Энг муҳими, жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор орқали миллат генофонди соғломлашади. Соғлом миллат эса улкан ғалабаларга, қолаверса, интеллектуал юксалишга қодир бўлади.

йил муқаддам профессионал бокснинг турли йўналишларида 1-2 нафар ҳам-юртимиз номи зикр этиларди. Баъзан ҳатто кучли ТОП-20 таликда ҳам бирор боксчимиз кўринмай қоларди. Бугунчи? Бугун Ўзбекистонликлар нафақат ҳаваскор боксда, балки профессионал бокснинг турли йўналишларида ҳам чемпионлик камарларига эга, айрим спортчиларимиз дунёнинг манаман деган зўрғарига дарис берапти.

Демак, биз бормиз! Бормизки, қилаётган ишларимизни, ҳаракатларимизни кимлардир ўз ўлчамларидаги “лупа” орқали чиғирқидан ўтказаяпти. Аммо ҳеч қачон ўзлигини йўқотмаган Ўзбекистон боксчилиги ҳолисиқ, баркамоллик, соғлом турмуш тарзи каби азалий, лекин бугун ҳам долзарблигича қоплаётган масалаларга содиқ бўлиб, жаҳон спортида ўз сўзини айтиб келаяпти.

Амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар ҳалқимизни турмуш тарзида, одамларнинг жисмоний тарбия ва спортга муносабатига ўз аксини топмоқда.

Утаётган йил давомида жисмоний тарбия ва спорт тизимида, унинг қўли тармоқларида амалга оширилган ишлар кўламига, оммавий спорт мусобақаларининг савиясига, спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари моҳиятига назар ташланса, соҳанинг ҳар бир ҳодими, мураббий ва спортчилар, мутахассислар Ўзбекистонни жаҳон майдонида янада улуғлаш, юксалтириш туйғуси билан яшаётганига, меҳнат қилаётганига, ғалабаларга эришиш йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этаётганига гувоҳ бўласиз.

Бугун, фарзандим Шохжаҳондек спортчи бўлсин. Баҳодир Жалоловдек дунёни пол этсин, деб спорт мажмуаларига, стадионларга ошиқаётган ота-оналар кўп. Бу, халқимизнинг эртанги кунга ишончидан, Ватан тақдирига дахлдорлигидан далolat. Зеро, дахлдорлик туйғуси билан яшаётган инсонгина муваффақиятга эришади.



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЮКСАЛИШГА ҚОДИР!



Бўка тумани ўзгаришга юз тутган дастлабки кунларданоқ “Бўстон” маҳалласида қурилиб, фойдаланишга топширилган “Бўстон арена” стадиони ҳудуд ёшларнинг сеvimли масканига айланди. Катта йўлга яқин жойлашган стадион яқин-атрофдаги маҳалла ва қишлоқлар, ҳатто туман марказидан келувчи футбол ишқибозлари учун ҳам қулай. Туманда маҳаллалараро ташкил этиладиган футбол беллашувларида 450 томошабин ўриндиқларда ўтириб, бемалол ўйинни кузатиши мумкин.



МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН ЁШЛАР

Маҳалладаги Ёшлар боғида бунёд этилган волейбол ва теннис майдончаси, шахмат бурчаклари, “Workout” майдони ҳам бешта муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши ижроси доирасида, ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт бўйича қобилиятини намоён қилишига замин яратмоқда.

— Маҳалламиз чин маънода ободликка юз тутди. Янгилик маҳалладошлар турмуш тарзида ҳам ўз аксини топди, — дейди “Бўстон” МФЙ раиси Саидрахмон Сайдуллаев. — Илгари қаровсиз ётган боғ таъмирланиб, беш ташаббус доирасида ёшлар вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилди. Шу ўринда ўғил-қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун алоҳида майдонлар ташкил этилганини қайд этиш керак. “Бўстон арена” стадиони нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам сеvimли манзилига айланган. Аввал кўча-кўйда бекор юрган болалар ҳозир Ёшлар боғи ёки стадионга чопади. Бу билан уларнинг ҳам саломатлиги таъминланади, ҳам вақти мазмунли ўтади. Маҳалла ахли Сардор Мамашокиров ва Шерали Ғулможонов каби ёшлар билан фахрланади. Улар спортнинг белбоғли кураш тури бўйича нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Маҳаллалардаги спорт майдончалари таъмирланиб, ободонлаштирилди. “Ровот”, “Катта Ровот”, “Навобод” маҳаллаларида замонавий футбол, баскетбол, теннис майдончалари

барпо этилди. Айни пайтда маҳалла ва мактаблар ҳудудида “Workout” майдончалари ташкил этилмоқда. Ана шундай 2 та майдонча бешта муҳим ташаббус доирасида 24 мактабда ўз фаолиятини бошлаган.

Мактаб ўқувчилари билан бирга уюшмаган ёшларни ҳам спортга кенг жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Барча ёшларни спортга бирдек қамраб олиш мақсадида таълим муассасалари спорт заллари ва спорт майдончалари кеч соат 17:00 дан 23:00 гача фаолият юритмоқда.

Бугун тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда бошқа спорт тўғрақларида 1500 дан зиёд ўғил-қиз футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш, бокс, эркин кураш, бадий гимнастика, таэквондо, белбоғли ва миллий кураш, Турон якка кураши, ўзбек жанг санъати, шахмат, кикбоксинг, армрестлинг билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида 400 га яқин қизлар ҳам борлиги қувонарлидир.

Яратилган бундай шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ёш спортчилар кўплаб ғалабаларга эришмоқда. Биргина 2020 йилда туман ёшлари 100 га яқин, жумладан, 30 та олтин медални кўлга киритди.

— Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароитларни ўзингиз қўриб турибсиз, — дейди Бўка тумани жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Шодмон Файзиев. — Ёшлар эса бунга ўз муваффақиятлари

билан жавоб қайтармоқда. Масалан, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби, 2018 йилги Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби Иzzат Тургунов Бўка туманидан илк бор Олимпия ўйинларига лицензияни кўлга киритди. 1993 йил “Янгиқўрғон” маҳалласида туғилган пара-енгил атлетика билан шуғулланган ушбу спортчимиз узунликка сакраш бахсларида Токио олимпиадасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган паравелоспорт бўйича мусобақада “Бўстон” МФИда истикомат қилувчи Саиджаббор Дадахонов 2-уринни кўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қабул қилинди. Ҳали ютуқлар олдинда. Туманимиз ёшлари яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, жаҳон майдонларида Ўзбекистон номи мағрур жаранглашига ҳисса қўшади.

Ҳа, Бўка туманида бошланган бешта муҳим ташаббус бугун ҳар жабҳада ёшлар ҳаётига кириб борди. Ютуқлар, натижалар мақтангулик. Бўкалик ёшлар ва ота-оналарнинг эса, яратилган шароитлардан кўнгли тўқ, ҳаётдан рози. Энг муҳими, эзу мақсадлар билан катта марралар сари дадил ҳаракат қилишмоқда. Мавжуд имкониятлар эса, уларнинг бу орзу-мақсадлари амалга ошишига кенг йўл очади.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ШОДИЁНА”ДА БАРКАМОЛ АВЛОД УЛҒАЙМОҚДА

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Шодиёна” маҳалласи аҳли, айниқса, болалари яқин йилларгача қаерда футбол ўйнасақ, қаерда югурсак, қаерда жисмоний тарбия билан шуғуллансақ, дея сарсон эди. Давлатимиз раҳбари бешта муҳим ташаббусни илгари сурди-ю, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлди.

Иккинчи ташаббус — ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида “Шодиёна”да футбол майдони барпо этилди. Орадан кўп ўтмай, замонавий болалар ўйин майдончалари бирин-кетин фойдаланишга топширилди. Бугун улар сони бештага етди. Яқин-яқингача болаларнинг дарсдан бўш вақтини қандай ташкил этишни билмай боши қотадиган маҳалла фаоллари ва ота-оналар бундан беҳад мамнун.

Маҳалла оқсоқоли Ўбайдулла ота Усенов ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчи Ойбек Камолитдиновни ҳузурига чорлаб, бу қулайликдан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси тузишни топширди. Дарҳол ишга киришилди. Аввало, ҳудудга туташ жойлашган мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ҳамкорликда спорт машғулотлари режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда маҳалла болаларини спортга мунтазам жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилди. Болалар ҳам бу имкониятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда туман маҳал-

ла маҳалла ёшлари туман ҳокими кубоги учун ўтказилган турли спорт мусобақаларида, секторлар ўртасида ташкил этиладиган беллашувларда совриндорлар сафидан жой олмоқда. Маҳалла оқсоқоли хонасининг бир бурчагини эришилган ана шундай натижалар акс этган ташаккурнома ва фахрий ёриқлар безаб турибди.



2021 йилнинг биринчи чорағида 70 мингга яқин турли спорт мусобақаси ташкил этилган. Бу спорт мусобақаларига 2 миллиондан зиёд иштирокчи қамраб олинган.



ларари ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида шодиёналиклар ғолиб бўлгани бунинг исботи. Қолаверса,

Маҳаллада бу борада яратилган шароитлар билан бевосита танишиш учун гузарга кириб борганимизда бир гуруҳ ўқувчилар шахмат ўйнаётган, маҳалла оқсоқоли эса уларга ҳакамлик қилаётган экан. Яна бир гуруҳ болалар эса футбол майдонида эди. Болаларни суҳбатга тордик.

— 249-мактабнинг 7-синфда ўқийман, — дея таништиради ўзини Абдуллоҳ Асадуллаев. — Мактабимизда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун шароит етарли. Маҳалламизда ҳам шундай қулайлик яратилгани жуда зўр иш бўлди. Чунки дарсдан бўш вақтимиз, асосан, маҳаллада ўтади. Маҳалламиз футбол майдони доимо ёшлар билан гавжум. Бу ерда ўзаро беллашамиз, маҳоратимизни оширамиз. Ғолиб жамоалар туманда бўлиб ўтадиган турли спорт тадбирларига қатнашиши мумкин. Бу имконият бизнинг қизиқиш ва салоҳиятимиз рўёбга чиқаришда қўл келмоқда.

Футбол майдончасига ёндош болалар ўйин майдончаси ҳам ўғил-қизлар билан гавжум. Бу ерда йигирмадан ортик турли ўйин қурилмаси ўрнатилган. Улардан нафақат кичикнотлар, балки ўсмирлар, катта ёшлар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

— Айниқса, эрта саҳарда ва кечки салқин пайтларда бу жой аҳоли билан гавжум бўлади, — дейди 57 ёшли Лобар Юсупова. — Спорт билан шуғулланиш фарзандларимизнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам соғлигимиз учун жуда фойдали. Масалан, мен қанд касаллигидан азият чекардим. Ҳар кун муайян вақтда машғулот ўтказишим натижасида аҳволим яхшиланмоқда. Ёшлар хурсанд, кексалар дуода.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ҳамда “Обод маҳалла” дастури доирасида жойларда амалга

ларига 2 миллиондан зиёд иштирокчи қамраб олинган.

“Жорий йилнинг биринчи чорағи ақунларига кўра, танловда юртимиздаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларининг қарийб 70 фоизи иштирок этди. Танлов доирасида ўтказилган тадбирларда эса 865 минг 200 га яқин фуқаронинг иштироки таъминланди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали одамларда касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танлови ўтказилмоқда. Кўрик-танлов ҳар чорак яқини бўйича ўтказилади ҳамда унда иштирок этган маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолининг доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичларига кўра баҳоланади.

Жорий йилнинг биринчи чорағи ақунларига кўра, танловда юртимиздаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларининг қарийб 70 фоизи иштирок этди. Танлов доирасида ўтказилган тадбирларда эса 865 минг 200 га яқин фуқаронинг иштироки таъминланди.

— Маҳалламиз ҳам ана шундай тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди У. Усенов. — Айниқса, ёшларимиз ташаббускорлиги ва интилувчанлиги билан ўзига хос натижаларга эришмоқда. Табиийки, биз, маҳалла фаоллари ҳамisha уларни кўплаб-қувватлаш ва кўмак беришга ҳаракат қиламиз. Зеро, бугунги кун талаби ҳам ёшларни ҳар томонлама чиниктириш, фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашдир.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

СПОРТ БИЛАН МАШҒУЛ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ВАТАН ШАЪНИ УЧУН ЯШАЙДИ

Ўткирбек ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи

Бугунги ёш полвон дўстларимизга ҳавас қиламан. Уларга яратилган имкониятлар биз учун орзу эди. Ҳатто 4-5 йил олдин ҳам ҳозиргидек шароитда спорт билан шуғулланиш мумкинлигини ҳаёлимизга келтирмасдик. Энг муҳими, ёшларимиз шу имкониятлардан тўлиқ, унумли фойдаланиб, юртимиз довруғини тунёга таратяпти.



Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, кўз олдимизга мактабларда, қишлоқ жойларда, маҳаллаларда очилаётган спорт тўғрақлари, янгидан қурилган ёки тўбдан қайта таъмирланган, замонавий жиҳозланган спорт иншоотлари келади. Бугун уларда минглаб ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз ўз иродасини тоблаб, кучли бўлиб вояга етмоқда.

Бешта муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши айнан ёшларни жисмоний чиниктириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани ҳам беҳиз эмас. Боиси, спорт билан машғул ўғил-қизларнинг кундалик турмушида тартиб бўлади. Ватан шаънини кўтариш масъулияти билан яшайди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида азму шижоатли қилиб тарбиялашда халқаро спорт



СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ҒАЛАБАЛАРГА,



ШАРОИТ БОР ЖОЙДА ЮТУҚ БЎЛАДИ

Мамлакатимизда бешта муҳим ташаббус эълон қилингандан буён Сурхондарё вилоятида футбол, енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, бадминтон, сузиш, баскетбол бўйича 17 мингдан зиёд мусобақа ташкил этилиб, уларда қарийб 2 миллион нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Спорт ривожини ҳамда унга қизиқувчилар кўпайиши яратилган шарт-шароит ва албатта, моддий-техник базага боғлиқ. Бугун Сурхондарёда 17 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби, 2 та спорт мактаб-интернати, 4 та ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, футбол маҳорат мактаби ва олимпия захиралари коллежи фаолият кўрсатмоқда. Бу масканларда 20 минг нафардан зиёд ёш спортнинг бир неча тури билан машғул. Улар билан 722 нафар тажрибали мураббий машғулоти олиб боради.

38 та тўғарақда эса 2075 нафар йигит-қиз дзюдо кураши сирларини ўрганишмоқда. Уларнинг 111 нафари қизлар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда 31 та бокс тўғарағи бўлиб, уларда 1650 нафар ўғил, 60 нафар қиз бола рингда жанг қилиш санъатини эгаллаётди. Шунингдек, 609 та енгил атлетика тўғарағида 17948 нафар ўғил-қиз машғулотларда қатнашмоқда. Энг ҳайратланарлиси, тўғарақ иштирокчиларининг кўпчилиги, аниқроғи, 14373



мактабига маҳаллий бюджет ҳисобидан 6140 дона ёки 887 миллион сўмлик коптоқ олиб берилган. 927 та умумтаълим мактабига 21 турдаги 9125 та спорт анжومي ва жиҳози ажратилган. Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳам 4 миллиард сўмликдан зиёд анжомлар билан таъминланган.

Охириги икки йилда жойларда 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилди. 2021–2023 йилларда яна 3 та шундай спорт мактаби ташкил этиш режалаштирилган. Аини пайтда Термиз шаҳрида “Муз саройи” барпо этилмоқда. Бу эса яна 300 нафар ёшнинг қишқи спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига имконият яратяди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ташаббуси билан спорт турлари бўйича федерациялар ташкил қилиниб, уларга йирик ташкилот ва корхоналар ҳомий сифати бириктирилган. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида республика, қитъа, жаҳон чемпионатлари ва турли халқаро турнирларда воҳадан 1059 нафар спортчи қатнашиб, 520 та,

ЎЗБЕК БОКСИ

ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон бокси тарихида қизлар ўртасида илк бор жаҳон чемпиони бўлган Нигина Ўктамова асли иштихонлик. У болалигидан спортга меҳр қўйди. Бунинг ўз вақтида пайқаган ота-онаси унинг ўқишини Иштихон шаҳри марказидаги 33-умумтаълим мактабига ўтказди. Шу орқали Нигинанинг ўқиши ва спорт машғулотларига қатнашиши учун қулай имконият яратилди.

Ақром Узоқов ва Азим Худойкуловдан бир умр миннатдорман.

— Нигина дастлаб каратэ билан шуғулланган. Лекин у рақибини фақат қўл билан уриб йиқитар, оёқларини ишлатмас эди, — дейди мураббий. — Шунда ота-онаси билан маслаҳатлашиб, боксга йўналтирдик. Жаҳон чемпионатида юртимиз байроғи баланд кўтарилганда, тўлқинлиб кетдим. Ахир шоҳсупанинг энг юқорисиди шогирдим Нигина ҳам турарди-да! У Ҳиндистон, Таиланд, Россия, Украина каби давлатлардан келган спортчилар билан беллашиб, жаҳон чемпиони деган юксак шарафга лойиқ топилди. Аини пайтда Нигина Жиззах

ди. Ўша лаҳзалардаги ҳаяжонимни таърифлаб бера олмайдим, ахир ўз вазни тоифасида тенгсиз бўлган қиз менинг дилбандим эди-да. Қизимга автомобиль берилди, деган хабарни эшитганда, янада хурсанд бўлдим. Қизим уни дадамга совға қиламан, деб интервью берганида кўзимдан ёш чиқиб кетди. Яратган бизга ўғил фарзанд бермаган, лекин бундан заррача хафа бўлмайман. Ахир қизим баъзи ўғиллар қила олмаган ишни қилиб қўйди-да! Бундан ортқ бахт борми? Бунга йиғламай бўладими?!

Яна бир гап. Айтинг-чи, фарзанди ютуғидан, қувончидан, камолидан се-

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЮКСАЛИШГА ҚОДИР!

нафари қизлардир. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Наталья Холодова ва Тимофей Килдишев сингари 36 нафар тажрибали мураббий бириктирилган.

Вилоят шаҳар ва туманлари марказидан ташқари олис қишлоқларда ҳам барча қўлайликларга эга спорт иншоотлари анча. 31 та стадион, 732 спорт зали, 9 та сузиш ҳавзаси, 3409 та турли ҳажмдаги майдонча спортсеварлар ихтиёрида.

Мактаб ва маҳаллаларда ҳам спорт иншоотлари сони 2021 йилда 2019 йилгига нисбатан 334 тага қўйайди. Ушбу иншоотлар зарур анжомлар билан таъминлангани туфайли шуғулланувчилар сони ҳам ортмоқда. Мисол учун, спорт билан шуғулланувчилар сони 2021 йилда 2019 йилга нисбатан 12 минг нафарга қўйилган. Бугун вилоятда 508 минг нафар ёш (247 минг нафари қизлар) спортнинг бошқа турлари қатори 22 та олимпия тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқларда, олий ўқув юртлири, мактаблар, ташкилот ва корхоналарда ҳам 7997 та спорт тўғарағи фаолият кўрсатиб, 160 минг нафардан ортқ ёшлар дарс ва ишдан бўш пайтлари ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишга кенг имконият яратилган.

Шуни айтиш керакки, илгари мактабларда ҳатто коптоқ ёки теннис столи, шахмат доскаси ҳам санокли

жумладан, 117 та олтин, 147 та кумуш, 256 та бронза медалини қўлга киритди. Спортчиларнинг 194 нафари миллий терма жамоалар аъзоси ҳисобланади.



бўлар эди. Бу жиҳозларни жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўз маблагини ёки ота-оналар ҳисобидан харид қиларди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бешта муҳим ташаббус доирасида спорт заллари мавжуд бўлган 614 та умумтаълим

бешта муҳим ташаббус доирасида вилоятдаги 15 та туман ва шаҳарнинг 721 та маҳалласида ёшларнинг қизиқиши ҳисобга олиниб, бўш турган ерларда қўшимча спорт майдончалари ташкил этилди. Уларда аҳоли ҳамда уюлмаган ёшлар шуғулланиши учун шароит яратилмоқда. Қисқа вақт ичида 524 та “Workout”, 138 та стритбол, 68 та бадминтон, 17 та мини футбол майдончаси барпо этилди. Бу манзилларда спорт мутахассислари ва федерациялар кўмағида ҳар ҳафта спорт ўйинлари ва мусобақалар ўтказилляпти.

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида аҳоли ва уюлмаган ёшлар оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун туманлар марказида “Саломатлик йўли” қуриляпти. Йил охиригача 29 та пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо қилинади.

Жорий йилнинг 22-23 май кунлари Термиз шаҳридаги амфитеатрда аралаш жанг санъатлари бўйича вилоят ҳокими кубоғи баҳслари ўтказилди. Шунингдек, муstadкиллимизнинг 30 йиллиғи муносабати билан ҳар бир туманда “Ўзбекистон ёшлари — келажак пойдевори” шiori остида ёшлар форуми ўтказилмоқда. Бу форумларнинг асосий қисмини спорт мусобақалари ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус спортни ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нигина спорт билан шуғулланаркан, вақт ўтгани сайин маҳорати кўзга ташланиб, ўзига бўлган ишончи ҳам ортиб борди. Мусобақаларда юқори натижаларга эриша бошлади. Жумладан, 2019 йили илк маротаба Жиззах вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ҳамда Қозогистоннинг Олмаота шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўтган йили БААнинг Фужайра шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида, Наманганда ўтган Ўзбекистон чемпионатида ҳам Нигина Ўктамова шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Жорий йил 20-21 февраль кунлари Черногориянинг Будва шаҳрида ташкил этилган “Adriatic Pearl” халқаро турнирида Ўзбекистонлик боксчилар умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлди. Мусобақа якунида мураббий Ҳамид Тангрибергенов бошчилигидаги ёш йигит-қизларимиз 5 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритди. Ушбу турнирда Нигина Ўктамова ҳам иштирок этиб, Европа ва МДҲ давлатлари вакиллари билан жангда рақибларининг барчасидан устун келди ва жамоа ғалабасига муносиб ҳисса қўшди. Нихоят у 13-23 апрель кунли Польшанинг Кельце шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлди. Шу тариқа ўзбек боксчи қизлари ичида жаҳон чемпиони деган юксак макомга эришган илк спортчига айланди. Бу билан у Ўзбек бокс тарихида янги саҳифа очиб берди.

— Бугун бокс менинг тақдиримга айланди. Лекин унга кириб келишим осон бўлмаган. Дастлаб жудаям қийналдим. Бас, энди шуғулланмайман, деган пайтларим ҳам бўлди, — дейди Нигина. — Лекин ота-онам ва мураббийларим бунга йўл қўймаган, аксинча, қўллаб-қувватлаб турган. Жаҳон чемпионатида тўртта давлат вакили билан куч синашдим ва мен учун анча қийин кечди. Финалда эса икки карра Европа чемпиони, катта тажрибага эга украинalik боксчи қизга қарши баҳс олиб бордим. Тўғриси айтсам, чемпион бўлишни орзу қилардим. Лекин айнан шу мусобақада омадим келади, деб ўйламагандим. Ота-онам телефонга қилиб, қувонгандан йиғлаб, табриклади. Бунинг сўз билан таърифлай олмайдим. Бу биз учун катта бахт эди. Негаки, оддий бир қишлоқ қизининг бутун жаҳон кўриб, қузатиб тургани, ғалабам шаънига Ўзбекистон мадҳияси янграганини тасаввур этишининг ўзи ҳаяжонли. Бугун фахр билан айта оламани, мен ўзбек қизлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлай олдим. Нимагаки эришган бўлсам, барчаси юртимизда Президентимиз раҳбарлигида спортни ривожлантириш учун яратилган шароитлар, устозларимнинг меҳнати самараси, деб биламан. Устозларим

давлат педагогика институтининг Жисмоний маданият факультети 1-курс талабаси. Айтишим керакки, спортчи нафақат рингда маҳорат билан жанг қилиши, балки юксак маданият соҳиби ҳам бўлиши керак. Ўйлайманки, Нигина ўз билим ва салоҳияти билан ҳали яна-

винмаган она бормикан? Бунинг устига, жаҳонда тенгсиз бўлиб, эл-юрт шаънини улуғласа, Ватан байроғини юксакларга хилпиратса, бошининг кўкларга етмайдими?! Лайло опа қизи ортидан ана шундай шарафларга бурканган, олқишу раҳматлар эшитаётган оналардан.



НИГИНА 13-23 АПРЕЛЬ КУНИ ПОЛЬШАНИНГ КЕЛЬЦЕ ШАҲРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҒОЛИБ БЎЛДИ. ШУ ТАРИҚА ЎЗБЕК БОКСЧИ ҚИЗЛАРИ ИЧИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ЮКСАК МАҚОМГА ЭРИШГАН ИЛК СПОРТЧИГА АЙЛАНДИ.

да катта муваффақиятларга эришади. Эндигина 18 ёшни қаршилаётган Нигина нафақат отасининг орзу-умидини, балки Ватани шаъни ва шуҳратини ҳам шарафларга буркади.

— Бир неча йилдан буён усталик қиламан. Аёлим оддий уй бекаси. Катта қизимни узатганман, — дейди чемпионнинг отаси Жасур Саидов. — Қизим болалигидан спорт билан шуғулланади. Меҳнаткаш, тиришқоқ, шу билан бирга, жуда содда. Аввалига қиз болани ҳам боксга берасизми, ундан кўра, тикувчилик ёки пазандачиликка юборсангиз бўлмайди, деганлар ҳам кўп бўлди. Лекин мен қизларимни яхши кўраман. Уларнинг мақсад ва хоҳишларини ҳаммиша қўллаб-қувватлайман. Ўша кунни телевизор қаршисида ўтира олмадим. Қиз боланинг худди ўғил болалардек муштлашини кўриш қийин экан. Шу боис, ташқарига чиқиб ҳовлида айланиб юрдим. Бир маҳал “ютди” деган ҳайқиряқ эшитилди. Ўйга кирсам, аёлим йиғлаб ўтирибди. Қўни-қўшнлар, қариндошлар ҳаммаси хурсандчиликдан чапак чалиб, бир-бирини қучоқларди. Билдимки, қизим ғолиб бўлган. Жаҳон чемпиони бўлиб қайтганда, уни жуда катта тантана билан кутиб олиш-

— Қизимнинг орзулари ушладди. Беҳад хурсанд бўлдим. Айниқса, жаҳон чемпионининг онаси, деган сўзни эшитганимда фахрланиб кетдим, — дейди Лайло Саидова. — Ҳозиргача ҳаяжонимни босолмай юрибман. Ўша кунни қизимнинг жангини яқинларимиз билан бирга кўриш учун бизникига йиғилган эдик. Финалнинг сўнгги раундида юзимни бекитиб олдим. Қизимнинг муштлашини кўришга ортқ юрагим чидамади. Яқинларимнинг ҳайқиряқли овозларидан сўнг кўзимни очдим. Рингда қизимнинг қўлини кўтаришганида йиғлаб юбордим. Эндиликда қизим 2023 йилда бўлиб ўтадиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этмоқчи. Мен фарзандим 2024 йил Францияда бўладиган Олимпиадада зафар қучишини тилаб, дуодаман.

Нигинанинг келажакдан ота-онасининг кўнгиллари тўқ. Биз ҳам бокс бўйича жаҳон чемпиони Нигина Ўктамовага юртимиз байроғини янада юксакларга кўтариб, Ватанимиз шаънини улуғлашда бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

609 та енгил атлетика тўғарағида **17948** нафар ўғил-қиз узунликка, баландликка ва уч ҳатлаб сакраш, югуриш, марафонча югуриш, найза улоқтириш каби машқлар билан банд. Энг ҳайратланарлиси, тўғарақ иштирокчиларининг кўпчилиги, аниқроғи, **14373** нафари қизлардир. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Наталья Холодова ва Тимофей Килдишев сингари **36** нафар тажрибали мураббий бириктирилган.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

“ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ УЧУН ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Хусан БОТИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси мудофаасига
қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти
марказий кенгаши раиси

Президентимиз ўтган йили 25 декабрь куни Ёшлар форумида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деган эди: “Бир пайтлар “Ватанпарвар” ташкилоти ёшларга нафақат ҳарбий соҳада, балки катта ҳаётда ҳам зарур бўладиган мусобақа ва спорт ўйинларини ташкил этарди, уларни техник касбларга ўргатарди. Шу сабабли, йигит-қизларимиз ўртасида унга қизиқиш юқори эди. Афсуски, кейинги пайтларда унинг фаолияти сусайиб кетди. Ташкилотнинг аввалги нуфузини тиклашимиз зарур”.

Давлатимиз раҳбарининг бу фикри нечоғлиқ ўринли эканини асословчи қатор омиллар мавжуд. Жумладан, сўнгги 5-6 йилда “Ватанпарвар” ташкилотининг фаолияти кескин сусайиб, муайян қолипдан чиқолмаслик ҳолати кузатилди. Шунингдек, унинг фаолиятида соҳани ривожлантириш бўйича ташаббускорлик деярли сезилмади.

Ташкилот томонидан аҳоли орасида ҳарбий-ватанпарварлик, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш каби энг масъулиятли йўналишларда лоқайдликка йўл қўйилиб, асосий урғу фуқароларни автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқитишга қаратиб келинди. Оқибатда сўнгги йилларда аҳоли орасида “Ватанпарвар” ташкилоти — фақат ҳайдовчиларни тайёрлайдиган муассаса” деган тушунча шаклланди.

Ташкилот фаолияти замон талабларига муত্তало жавоб бермай, юртимизда ёшлар билан ҳамкорликда бажарилаётган тизимли ва кенг қўламли ишлардан ортда қолди. Унинг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасидаги нуфузи пасайди. Айниқса, шу кунларда “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши ишчи гуруҳи томонидан мамлакатимизнинг турли ҳудудига юнатирилаётган хизмат сафарлари мобайнидаги ўрганишлар жараёнида бу каби муаммолар яққол кўрина бошлади.

Ташкилотнинг янги жамоаси томонидан давлатимиз раҳбарининг ўринли танқидига сабаб бўлган омиллар



чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга, бундай муаммоларга тўлиқ барҳам бериш ҳамда ташкилот зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариш учун мутлақо янги тизим ва аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Чунки “Ватанпарвар” ташкилоти жамоаси Ўзбекистонда янги уйғониш даври — Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган шу кунларда кенг қўламли ислохотлар иштирокчилари сафида бўлиши, юртимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини мустақамлашни ҳамда ўзининг нуфузини оширишни қатъий максад қилган.

2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”, деб номланиб, бу борада Давлат дастури

қабул қилинди. Дастурнинг 170-бандида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти зиммасига ташкилот базасида ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш бўйича масъулиятли вазифа юклатилди.

Мазкур муҳим топириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши томонидан юртимиз миқёсида фуқаролар, айниқса, ёшларни ўз тасарруфидоғи ўқув муассасаларида оммавий техник касб мутахассисликларига ўқитишнинг янги механизми жорий этилди.

Ушбу механизм уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда шу йилнинг

бўйича мутахассисларни ўқитиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари берган топириқларни ижро этишда “Ватанпарвар” ташкилоти мамлакатимиздаги эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпти. Жумладан, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган фуқаролар оммавий техник касбларга имтиёзли асосда ўқитилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, туман ва шаҳарларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғармага маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида тузилган васийлик кенгашлари масъул этиб белгиланди.

“Ватанпарвар” ташкилотининг автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида тахсил оладиган эҳтиёжманд ёшлар ўқиш харажатларининг 75 фоизгача қисми ушбу жамғарма маблағларидан қопланади. Ташкилот марказий кенгаши бу борада янги ташаббус билан чиқиб, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар ўқиш харажатларининг ўн фоизини ўз ҳисобидан қоплаб бериш таклифини билдирди.

Нодавлат нотижорат ташкилот сифатида “Ватанпарвар” ташкилотининг маҳаллий ҳокимият органлари билан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги мустақам ҳамкорлиги



ҳамда ижтимоий шерикликдаги ишлари ўз самарасини бермоқда.

Ҳозир мамлакатимиз миқёсида “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларнинг 4 минг 471 нафар фарзанди “Ватанпарвар” ташкилотининг инновацион технологиялар билан жиҳозланган автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқитилмоқда.

Бу борада Сурхондарё, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида туман ва шаҳарлар тўлиқ қамраб олингани эътиборга молик. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудида эҳтиёжманд оилалар вакилларидан иборат навбатдаги ўқувчилар гуруҳлари ҳам шакллантириляпти.

Шу йилнинг 10 март куни “Ватанпар-

вар” ташкилоти ва Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида имзоланган Ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилимоқда. Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган бундай саъй-ҳаракатлар яқин ойлар ичида минглаб ёшларнинг бандлиги таъминланишига замин яратади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 13 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ёшлар дафтари”га киритилган ва меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ёшларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари тўлаб берилиши ҳақида топириқ берди. Давлат ижтимоий буюртмалари берилган тақдирда “Ватанпарвар” ташкилоти жа-

моаси республика бўйлаб ўз тасарруфидоғи автотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида сифатли таълим беришга тайёр.

Бунинг учун ҳайдовчилар тайёрлаш бўйича ўттиз йиллик тажрибага эга автоматтабларнинг моддий-техник базаси, ўқув методикаси, ўқитувчи ва ҳайдовчи-инструкторларнинг малакаси халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради.

Ортодошларимиз орасида “Ватанпарвар” ташкилоти автототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларининг бошқа автоматтаблардан фарқи нимада?” деган саволни берувчилар кўп учрайди. Ташкилот таркибидаги ўқув спорт техника клублари ва автоматтабларнинг афзаллиги шундаки, улар нафақат фуқароларни ҳайдовчиликка тайёрлайди, балки аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиятини мунтазам олиб боради. Автокросс, мотокросс, катинг, дуатлон, триатлон, ёғи биатлон, пневматик қуролдан ўқ отиш, авиамодель, ракета-модель, кеамодел, радиоспорт каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этади. Жамият аъзоларини фаол ва ватанпарвар этиб тарбиялаш билан бира, ёшларни моҳир ҳайдовчи ҳамда бошқа оммавий техник касблар эгаси қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади.

Бундан ташқари, ҳозир “Ватанпарвар” ташкилоти автототранспорт курсларида тахсил олаётган ёшлар учун психологлар ва ёш бўлишга қарамасдан улкан муваффақиятларга эришган тадбиркорлар иштирокида семинар-тренинглار ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бундай янгилача тизим “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг ўзига бўлган ишончи ортиси ва келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиши учун рағбат бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, “Ватанпарвар” ташкилоти ўз фаолиятининг янги даврида аҳоли, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш ҳамда касбга ўқитиш билан бир қаторда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этади.

ИФТИХОР

МУАЛЛИМНИНГ БАХТИ

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда ўқитувчиларнинг обрў-эътибори ва мақомини кўтариш, уларни ортиқча қоғозбозликлардан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши ва изланиши учун шароит яратиш, интилишларини муносиб рағбатлантиришга эътибор кучайди. Натижа педагоглар эришаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, яқинда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси Файзулло Яхёев Қозоғистон Республикасининг Нурсултон шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ёш олими — 2021” халқаро танловида биринчи ўринни эгаллади ва олтин медал билан тақдирланди. Ёш муаллимнинг МДХдаги 14 мамлакат педагоглари ўртасида филология бўйича танловнинг энг билимдон иштирокчиси, деб эътироф этилгани юртдошларимизга гурур туйғусини бағишлади.

Ушбу танлов Нурсултон шаҳрида 2019 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Беллашув 21 йўналишда бўлиб ўтади. Унда МДХ мамлакатларининг иқтидорли талабалари ва тадқиқотчилар илмий мақолалари билан қатнашиши мумкин.

Файзулло Яхёев мактабда дарс бериш билан бирга, Ўзбекистон Миллий университетининг 2-курс магистратурасида тахсил олади. У танловда “XX асрнинг иккинчи ярмида Навоий “Хамса”сини насрийлаштириш аънавалари” мавзусидаги илмий мақоласи билан иштирок этади.

— Ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми бўлган навоийшунослик XX асрда шунчалик кенг тарқайди экдими, унинг илмий йўналиш ва сарҳадларини ўрганимай туриб, бу соҳадаги тадқиқотларни давом эттириш қийин, — дейди ёш тадқиқотчи. — Хусусан, навоийшунос олимлар фаолиятини ўрганиш борасида анча-мунча ишлар қилинди. Бироқ навоийшуносликка катта ҳисса қўшган забардаст олимлар фаолияти тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу боис, ўзбек мумтоз адабиётининг йириқ тадқиқотчиси Тўхтасин Жалолов илмий меросини ўрганишга ҳаракат қилдим. Ўтган икки йил давомида олимнинг бу борадаги илмий ишларини тўпладим. Уларнинг библиографиясини тузиб, XX аср ўзбек навоийшунослиги тараққиётидаги ўрнини ўрганишга киришдим. — Изланишда олимнинг “Хамса” талқин-

лари” тадқиқоти ва ўнга яқин мақоласи таҳлил қилинган, — дейди филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. — Тўхтасин Жалолов “Хамса”нинг ҳар бир достонини илмий талқин қилар экан, уни китобхонага тўри етказишга ҳаракат қилгани, гарчи мафкуравий талқин етакчи саналган бир пайтда яшаса-да, илмий холислик ва китобхоналарга тушунтириш олимнинг илмий йўли экани кузатилган. Айтиш кераки, Тўхтасин Жалоловнинг мақолалари ўз даври шароитига кўра, араб, лотин ёзувига асосланган имлода нашр этилган. Тадқиқотчи уларни кирилл ёзувига ўтирган ва айрим зарур шарҳларни диссертацияга илова қилган. Бу каби жиҳатлар марҳум олим илмий фаолиятини тиклаш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Файзулло мактабдаги фаолияти давомида ўқувчиларни Навоийнинг бебаҳо маънавий мероси намуналари, ўзбек адабиёти даргалари ҳаёти ва ижоди билан таништиришни максад қилган. Унинг учун ҳар бир ўқувчи ўзига хос дунё, хали кашф этилмаган тилсим. Машғулотлар давомида болаларнинг кичик жуссасида яширинган соф қалбни, орзу ва мақсадларни кашф этади. Бу унга шу касб билан фахрланиш туйғусини беради.

— Ўқувчилар, дўстларим ва таниш-билишларим “Нега айнан ўқитувчилик касбини танлагансиз?” деб кўп савол беради, — дейди Файзулло Яхёев. — Ўқитувчилик шарафли, улуг, шу билан бирга, жуда масъулиятли, заҳматли касб. Онам ҳам ўқитувчи. Ҳозир ҳам устоз, муаллим сўзини эшитсам, кўз олдимда онам гавдаланади. Онамни қандай яхши кўрсам, касбимни ҳам шу қадар ҳурмат қиламан, ардоқлайман.

Очиги, бу касбни танламоқчи бўлганмида онам қаршилик қилган. Энди орадан йиллар ўтиб, нега бундай қилганини англаяпман. Ўқитувчи ўз мутахассислиги билан бирга бошқа йўналишлар бўйича ҳам умумий бўлса-да, билимга эга бўлиши керак



экан. Сиз ўзбек тили фанидан сабоқ берсангиз-да, ўқувчи баъзан бошқа соҳалардан, айтайлик, тарихдан ёки кимёдан савол беравераймиш мумкин. Ўқитувчи буларнинг барчасига умумий тарзда бўлса ҳам жавоб бера олиши керак. Шундагина ўқувчиларни ортидан эргаштира олади.

Баъзан бир кунда 5-6 соат дарс ўтиб чарчайсиз. Шу вақтларда ўқувчининг сиздан ниманидир ўрганганини, қўзғайди қониқишни қўриб, раҳматини эшитганингизда барча чарчоғингиз унутилади. Ўқувчиларга ниманидир ўргата олаётганимдан, билим бераётганимдан фахрланаман. Мактабда ўзга тилли ўқувчиларга ўзбек тилидан сабоқ бераман. Бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида сўзлашганини, она тилимизга меҳр қўйиб ўрганаётганини, айниқса, Навоий даҳосига, навоийшунос олимлар ижодига қизиқишни кўриб, ич-ичимдан севиनाман, ўз касбимдан фахрланаман. Бу мен учун энг катта бахт!

Файзуллонинг юздан зиёд илмий-публицистик мақоласи, тезислари юртимиз ва хорижий нашрларда эълон қилинган, тўпламларга киритилган. Республика Ёш олимлар кенгаши аъзоси. Энг муҳими, фидойи устоз, олим муаллимдир.

МУНОСАБАТ

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Дилшод САТТОРОВ,
“Ўзстандарт” агентлиги бош директори

Бугунги шиддатли замонда сифатли маҳсулот харид қилишни ва хизматлардан фойдаланишни хоҳлаймиз. Ривожланиш ва глобаллашув жараёнларида ҳар бир давлат миллий маҳсулотлари сифатига эътибор қаратмаса, хизматлари халқаро меъёрларга уйғунлаштирмаса, охир-оқибат у фақат четдан келтириладиган маҳсулотлар истеъмолчиси бўлиб қолаверади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳсулот сифатига қанчалик эътибор берилса, тармоқларда миллий ва халқаро стандартлар кенг жорий қилинса, давлатнинг иқтисодий соҳадаги имкониятлари кенгайиб бораверади.

Президентимиз шу йил 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдими билан танишар экан, ишлаб чиқаришда, экспорт ва импорт жараёнларида стандартлар билан боғлиқ қўллаб-вазифаларни ҳал этиш, тадбиркорларга қийинчилик тугдираётган айрим тартиб-таомилларни соддалаштириш ва мақбуллаштириш юзасидан топириқ, кўрсатмалар берди.

Тўғри, бу борада кейинги йилларда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртимизда мавжуд 30 мингга яқин стандартнинг 19 мингтаси халқаро нормалар билан уйғунлаштирилди ва халқаро стандартлар реестри шакллантирилди. Эскирган, бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган 5 минг 600 та стандарт амалиётдан чиқарилди, 3 минг 500 таси замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Халқаро меъёрларга мувофиқ қўшимча 26 та техник

регламент ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида экспорт имкониятлари кенгайимокда.

Экспортёр корхоналарга қўмаклашиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Яъни маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий бозорларга чиқиши учун улар ўз корхоналарида халқаро стандартларни жорий этишларига қўмаклашиш зарур.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан тадбиркорлар билан тизимли иш йўлга қўйилгани натижасида 226 та фермер ҳўжалигининг 4 минг гектардан ортиқ майдонларида халқаро “Global G.A.P.” ҳамда “Organic” стандарти жорий қилиниб, тегишли сертификати олинди. Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 30 та корхонада “Оео-тех” халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 10 та корхонада Европа Иттифоқи бозорига киришда талаб этиладиган “CE” маркировкаси олинди. Мисол учун, 2020 йилда “Med Protect Technology” корхонасида “CE” маркировкасини қўллаш орқали 150 минг доллар, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлашган “Nur Muhammad Islom Obod” МЧЖда 300 минг доллар, “Quality Device” МЧЖда 159 минг доллар, “Quality Electronics” МЧЖда 138 минг долларлик маҳ-

сулот хорижга экспорт қилинди.

Табиийки, маҳсулот сифатини таъминлашда техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳам ўрни катта. Халқаро экспертларнинг фикрича, бу борада, энг аввало, стандартлаштириш билан унинг ўртасидаги фарқни белгилаб олиш зарур. Чунки техник жиҳатдан тартибга солишда давлатнинг роли кўзга ташланади, тегишли қонунчилик яратилади ва унга риоя этилиши устидан назорат ўрнатади. Стандартлаштиришда эса давлат бизнес ёки истеъмолчи қатори манфаатдор иштирокчилардан бири саналади. Бир сўз билан айтганда, техник тартибга солиш мажбурий, стандартлаштириш эса ихтиёрий ҳисобланади. Ана шу мувофиқлини таъминлаш “Ўзстандарт” агентлиги олдидаги асосий вазифалар сирасига кириди.

Жумладан, Европада фақат 28 турдаги хавфи юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертифицирланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлиги декларациялаш орқали тасдиқланади.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари шундай тизимни тажриба-синов тариқасида амалиётга киритиш зарурлигини қайд этди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулот тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилади. Халқаро талаблар билан уйғунлашган ана 11 мингта миллий стандарт ўрнича халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йилдан барча корхоналарни ушбу стандартларга ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Кўриниб турибдики, зиммасига юкланган вазифалар кенг қўламли ва залворли. Уларни ўз вақтида жорий этиш мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, янада кўпроқ тадбиркорларнинг жаҳон бозорларига чиқишига йўл очади.

Президентимиз 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида: “Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Лекин, афсуски, дунёдаги, ён-атрофимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан ва оммабоп шаклда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, айни пайтда дунё айвонида юз бераётган воқеликлар ҳар доимгидан-да кўпроқ мушоҳада юритишни, нафақат бугунимизга, эртанги кунимизга ҳам ҳушёрлик билан назар солишни талаб қилмоқда. Ушбу талабга жавоб берадиган зиёлилар, етук шахслар ҳозирги маънавий-маърифий жараённи тўлдирадиган қандай тақлифларни ўртага ташлай олади? Адабиётшунос Раҳмон ҚўЧҚОР билан бўлган сўхбатимиз сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаган миллий “ақл марказлари”ни шакллантиришда бугунги кунда нималарга эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайсиз?

— Мен табиий, техник фанлар мутахассислари меҳнатини, уларнинг изланишлари самарасини, албатта, ҳурмат қиламан, мазкур соҳаларнинг мамлакат иқтисодиёти ҳамда ижтимоий ҳаётида тўтган ўрнини қадрлайман. Бироқ бу борада юзани қараганда сезилмайдиган, аҳамиятига кўра эса низоҳатда муҳим бир фарққа уларнинг-да эътиборини тортмоқ истардим. Дейлик, Хитой ёхуд Германиядан сотиб олиб келинган техника ва технологиялар ёрдамида бизнинг Тошкентимиз ёки Жомбойимизда ҳам ҳар турли буюмлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Ёки бошқа бир мисол: киши африкалик бўладими ёхуд австралиялик, америкалик бўладими ё андижонлик — ҳамманинг жисмидаги юрак, ўпка, ошқозон, жигар ва бошқа жамики ички ва ташқи органлар бир хил хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳам, айтайлик, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган дорини (“дори воситаси” эмас!) хотиним бошим “огрикдан ёрилай деганда” низоҳат ичишга берса, бу дарди-сардан халос бўлишим мумкин. Ҳатто Ўзбекистондаги бемор танасида ўтказилаётган мураккаб жарроҳлик амалиётини дунёнинг нариги қитъасида ўтирган уста дўхтирлар масофадан бошқариб туриши бугун оддий ҳолга айланган.

Айтмоқчи бўлган гапимни тушунгандирсиз: техника, технология, аниқ ва табиий фанлар универсал — ҳаммабоб характерга эга. Улар на мамлакат, на-да миллат танлайди — ҳамманинг қорига бирдай ярайверади.

Шу нуқтаи назардан, энди бояги — жигари, ўпкаси, ошқозони бир хил одамларнинг қалбига, сажиясига, кайфияти ва дунёқарашига қарайлик: бирортаси бошқасини тақдорлайдими? Кўчасида қўшни турадиган, мактабда ҳам битта партада ўтирган икки ўспиранининг — йигит ёхуд қизнинг ички оламида, “мен”лигида бирор ўхшаш ёхуд ўйқаш манзил топилладими? Бирининг отасига, онасига, бугунги ҳаёти ёхуд келажагига бўлган муносабати



партадошида ҳам айнан тақдорланадими? Бир сўз билан айтганда, бир одамнинг маърифати ва маънавиятига қор қилган руҳий дармон (ўғит, танбех, насиҳат, маслаҳат, ёрдам, кўмак...) бошқа одамда ҳам худди шундай эффект — самара ҳосил қилишига кафолат борми?

Маънавий-маърифий соҳанинг, унинг мутахассисман деб юрган одамлар зиммасидаги вазифанинг бор мураккаблиги, оғирлиги ва масъулияти мана шу — боя айтганимдек, юзадан сезилавермайдиган, бироқ низоҳатда муҳим фарқлар ва жиддий ҳолатлар билан боғлиқ.

Шу туфайли тенгдошларидан кўра, олтига китобни кўпроқ “ўқиб қўйган” ҳар қандай одамнинг бу соҳада ҳам ўзини “ўлоққа урмоғи” фойдадан кўра кўпроқ зарар етказишини биз ортиги билан кўрдик, кузатдик.

Ахир, ўйлаб кўринг: бир болажоннинг ёнбошига оддийгина уқол қилиш учун одамдан камида уч йил тиббиёт коллежидида ўқиш талаб қилинса-ю, миллий ғоя ва маънавият масаласи билан қимнинг қўли бўш бўлса, шуғуланаверса! Шу аҳволда эришилладиган натижа, самара ҳам муносабатга яраша — номига, ҳисобот учун, ҳўжа (раҳбарият) кўрсинга бўлмай, нима бўлар эди?

Шу талаблардан келиб чиқиб айтаманки, мамлакат Президенти қўйган вазифа — маънавий-мафқуравий соҳадаги “ақл марказлари”ни шакллантириш учун бизга минглаб кучли мутахассислар — бугунги дунё ройишини, уни кутаётган эртанги кўнни аниқ-тиниқ кўра оладиган, ишончли прогноз қила биладиган, шуларга асосланиб халқимиз, мамлакат раҳбарияти не йўллар тутмоғи ҳақида амалий тақлифлар тайёрлай оладиган сиёсатшунослар, жамиятшунослар, психолог-инсоншунослар, маънавиятшунослар, мафқурачилар керак.

Масалан, мамлакат ва миллати келажагига бефарқ бўлмаган кўплаб давлатлар, жумладан, Ғарбнинг энг ривожланган, демократик мамлакатларида ҳам интернет хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли онгу шуурини бузғунчи ғоя ва даъватлардан иҳота этувчи турли хизматлар йўлга қўйилганини ёдда тутишимиз лозим.

— Кейинги пайтда зиёлиларимиз маънавий-маърифий тағриботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва янги шакллари, таҳдидларга қарши самарали усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида турлича фикрлар билдирмоқда. Бу жараёнда муайян бир усуллар асосида ютуқларга эришган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам мавжудми? Ёки менталитетимиз ўзига хос усул ва ёндашувларни талаб қиладими?

— Бу борада аввал бир шахсий фикрни айтиб кетишимга руҳсат берасиз: она юртимиз кўпроғи инсонларнинг беайб тўқилган қони билан бўлганмаган бўлса, билалйлики,

бу натижаларга эришилувиди айнан маънавий-маърифий, мафқуравий соҳада қилинган — ҳар доим ҳам қўл билан ўшлаб, кўз билан кўриб бўлавермайдиган машаққатли меҳнатнинг ўзига яраша улуши бор!

Бугун оғзига кучи етмаган айримлар “яна маънавиятми”, “маънавиятчилар жонга теғди”, “уларнинг тарғиботсиз ҳам яшаса бўлаверади” сингари моҳият-мақсадига кўра, низоҳатда хатарли хитобларни ҳар қанча баянд овозда, оғзидан кўпик сачратиб майдонга отишмасин, мана шу миллионлар билан — сиз билан бизнинг болаларимиз, ака-укаларимиз, ота-оналаримиз билан қимдир юракдан сўхбатлашмоғи, ёнига бориб уларнинг дарди-дунёси билан қизиқмоғи керак.

Ҳамма гап ўша мулоқотларнинг қанчалар самимий, амалий, фойдали бўлмоғида, бунинг учун эса маънавият соҳаси мутахассисларининг илми чўқур, ижодони пок, инсоний салохияти юксаклигида қояпти.

Хорижий тажрибани яқиндан, бевосита билмоқ учун ўша хорижга чиқмоқ, кўз билан кўриб, ақл ва қалб билан ҳис қилмоқ талаб этиладики, камина бу борада кўп ҳам мактана олмайман...

— Мутахассислар пандемия шароитида айрим ўлқаларда бегоналик, тажовузорлик кайфиятлари кучайиб бораётганини айтмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “...иқтисодий қамбағалликни қисқартириш бўйича қатта ишлар қилиш. Лекин маънавий қашшоқликни қандай қисқартирамиз? Фикр қарамлигидан қандай қутуламиз? Ислохотларимиз учун зарур бўлган маблағ ва инвестицияларни қийинчилик билан бўлсаям топиламиз, аммо маънавий иммунитетни мустақамлаш учун руҳий ресурсни қаердан топиламиз?” Менимча, бу савол айни пайтда миллат ва Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни ташвишга солмоқда...

— Абдулла Қаҳҳор ёзган “Сароб” романининг 1936 йилги нашрида бир гап бор: “Ким қандай яшаса, шундай ўйлайди”. Афсуски, жуда кўпчилигимиз бу гапни низоҳатда юзани тушунамиз ва шундан келиб чиқиб таҳлилу талқин қиламиз. Ўрни “қандай яшаш” деган гапни фақат иқтисодий, моддий ҳолатга ишора деб тушунамиз ва ... “ақли хулосалар” асаймиз: “Сув сойга оқар, бой бойга боқар”, “Оғзи қийшқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин” қабилидаги.

Ҳолбуки, масалан, “султоннинг ғазнасига (бугунги тушунчада — давлат бюджетига!) қарз бериб турган”, шунга қўриб етган Алишер Навоий ҳазратларининг энг биринчи, энг оғир, энг кўп ўйлари айнан эл-улус аҳвол-руҳияси ҳақида бўлгани, бу мақомга ул зотнинг моддий ҳолатлари ҳалал бермаган, аксинча, мадад бўлган эди.

Демоқчиманки, “ким қандай яшаса” деган гапни “ким не эътиқод-маслак билан, не ўй-ташвишу не умид ва орзу билан, не мақсад-муддао билан яшаса” тарзида кенгрок тушунилса ва шундан келиб чиқиб мулоҳаза юритилса, тўғрироқ бўларди. Ана шунда сиз билан биз суратга эмас, кўпроқ сиёратга боққан, шу сиёрат — инсоннинг маънавий, маърифий, интеллектуал, маданий сифатларига қараб уни баҳолаган — ё эъзозга ёхуд эътирозга лойиқ толган бўлур эдик.

Мен тасаввуримизни шоширадиган микдордаги моддий бойликка эга бўла туриб, халқининг кечаги, бугунги ва эртанги қўни билан заррача қизиқмайдиган, миллатининг келажагини ўйлагандан кўра, шоҳона ўйидаги қимматбахо хитойи вазалар сонини ўйлашни кўпроқ хуш кўрадиган одамларни, ҳатто дипломлти “зиёли”ларни биламан.

Ва бунинг тексариси — бутун умри шу миллат дарду ташвишида ўтган, халқи тақдирини енгиллатиш, уни маърифат ва маънавият билан ошно этиш илминкида қўни тунга улган чинакам зиёли устозларимиз қотган нонни чойга ботириб истеъмол қилишни ўзларига ор билмаганларига-да гувоҳ бўлганмиз.

Гапни нимага олиб келялман? “Маънавий қашшоқлик” деганларни одам боласи учун низоҳатда оғир, балки шифоси топилаётган дардлардан-да хавфли, қўрқинчли, аянчли ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолатни олтинчу зарлар билан

устини беркитиб, дабдабали тўй ёхуд иморатлар билан ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Балки шунинг учун ҳам Яратган эгам муқаддас қаломида, “Ўзи тузалишни истамоган қавмининг ишларини тузатмаймиз” мазмунинида оғохлантиргандир...

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган “Менинг биринчи китобим” пойтахси муҳокамаларидан сўнг ёшлар сизнинг эътирофиниз ва танқидий мулоҳазалариниз борасида қатта ҳаяжон билан гапирди. Янги авлод ижодкорларидаги ўзига хосликлар ва камчиликлар нимада?

— Сиз айтётган янги авлоднинг сафси шу қадар кенг, ижодий изланишлари шунчалик ранг-барангки, уларнинг барчаси хусусида дабдурустдан ягона, хулосага даъво қиладиган гап айтиш мумкин ҳам эмас, керак ҳам эмас. Чўнки улар орасида шоирлик ҳамда ёзувчилик ишини “қаламнинг кетини тишлаб”, “ўфққа тикилиб” ёхуд “файласуфона сўлиш олиб” расмга тушиш деб биладиган ва кечаси бедор чироқ остида ўтириб қалби буюрганни ёзишдан кўра, ижтимоий тармоқларда бир-бирини мақтаб, саводсиз мадҳ битишни кўпроқ қотирадиганлардан тортиб, Шодмонқул Салом, Бехзод Ғазлидин сингари ўзининг ижод саплатанини жимгина, бироқ илоҳий илҳом ва инсоний машаққат-ла бунёд этаётган ўзбекнинг умидли фарзандларигача бор.

Айтганимдек, бу жиддий ижодкорларнинг ҳар бири алоҳида талқин таҳлилни талаб этадиган асарлари хусусида йўл-йўлакай гап айтиш инсоний қисмат дарж этилган ғўзалликнинг, санъатнинг, куй ва симфониянинг ёндан шунчаки ғизиллаб ўтиб кетишдан бошқа нарсас бўлмайди. Мавриди билан улар хусусида алоҳида мақолалар ёзилар, кўнгилли суҳбатлар қурилар, иншааллоҳ.

Ҳозир эса сиз сўхбатимиз бошида айтганингиз масалани қайта эслашнинг айни мавриди, назаримда. Яъни маънавий-маърифий соҳада иш қўражақ “ақл марказлари”га мен юқорида номларини тилга олган шоирлар ва улар сингари яна бошқа истеъдодли ижодкорларни, албатта, жалб қилиш талаб этилади. Шунда ақл билан руҳ, бедор тафаккур ҳамда ижодкор кўнгли ўйғунлигига эришилмади, бу эса миллионларнинг қалбини забт этиш имконини пайдо қилади. Ахир ҳазрат бобомиз Навоий ҳам бежиз ташвиш чекмаганлар-да:

Кўзни ўқуш саъй ила забт этгамен,
Етса қўнгул забтлуға иш, нетгамен,
дея. Демак, халқимизнинг бугунги авлоди елкасида, айниқса, чинакам зиёлилари зиммасида шу ташвишни аритишдек жуда улкан, машаққатли, бироқ ғоят шарафли вазифа турибди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА
сўхбатлашди.

ЗИЁ МАСКАНЛАРИДА

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Санобар МАТЛУБОВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи
директори

Музейлар аждодлардан мерос бўлган бойлиқни келажақ авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина. Йиллар давомида бойиб, тўлиб бораверадиган бу хазина фақатгина маданий қадриятлар намойишигига бўлиб қолмай, узок тарих саҳифаларидан сўзловчи бебаҳо китоб ҳамдир.

1977 йилнинг 18 май куни — Халқаро музейлар Кенгаши томонидан таъсис этилган касб байрами эндиликда дунёнинг бир юз эллиқдан ортиқ давлатида кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон музейлари 130 йиллик тарихга эга.

Халқаро музейлар куни айрим мамлакатларда дам олиш куни ҳисобланса, бошқа бир давлатларда турли тадбирлар доирасида бир неча кун байрам сифатида нишонланади. Халқаро музейлар кўмитасининг тақриф ва тавсияси асосида “Музейларнинг жамият ҳаётида тўтган ўрни”, “Инсоннинг ўзлигини англашида музейларнинг аҳамияти”, “Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда музейларнинг роли”, “Музейларни асрайлик ва бойитайлик” каби ижодий танловлар кенг омма орасида доимий ўтказиб келинади. Бу эса ёши ва касб-кори турлича бўлган минглаб одамларнинг музейларга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон 1993 йилда Халқаро “ICOM”

ташкilotига аъзо бўлган, соҳа бўйича жаҳондаги энг илғор тажрибаларни ўрнини, ўзига хос миллий анъаналар фестивалига асос солди. Йиллар ўтган сайин шаклан ва мазмунан такомиллашиб, бойиб бораётган мазкур фестивалнинг республикамиз миқёсида байрамона руҳда ўтказилиши музейлар ижодий фаолиятининг янги қирралари намоен бўлаётганидан дарак беради. Айнан 18 май куни юртимиздаги барча музейларнинг томошабинларга бепул хизмат кўрсатиши, махсус кўргазмалар ва театрлаштирилган томошаларнинг юксак савияда ташкил этилиши эса байрам шуқўҳини оширибгина қолмай, ёшу кексаларга бир олам завқу шавқ ҳада этиши билан ҳам эътирофга молиқдир.

Ҳар бир музей ўзининг йўналиши, экспонатлари билан ўзига хос. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейида халқимизнинг мустанқилликкача ҳамда ундан кейинги давр тарихини қиёсий жиҳатдан томоша қилиб ҳаяжонга тушасиз. Ўзбекистон Давлат санъат музейида эса ўзбек халқининг бебаҳо ва бетакрор санъат асарларини

хайрат ҳамда ҳавас ила томоша қилиб, қалбларимиз ифтихор, кўнгилларимиз гурур тўйғуларига тўлиши шубҳасиз.

Темурийлар тарихи давлат музейига таширф буюрган томошабинлар буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, топқирлиги ва ижодкорлигига, мард ва жасурлиги ҳамда тадбиркорлигига оид экспонатларни кўриб, узок мозийга саёҳат қилгандек бўлади.

Энг муҳими, мавжуд музейларнинг ҳаммасида ўз ишининг усталари, тарихий ва замонавий билмларини эгаллаган билимдон мутахассислар фаолият олиб боради. Бу эса, халқимизнинг ўтмишга, тарих ва маданий меросга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини янада оширишга, моддий ва маънавий бой-

ликларимизни кўз қорачиқдек асрашга даъват этувчи янги ижодий имкониятлар эшиқларини очиб бермоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майда эълон қилинган “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар биз, уй-музейлар ходимларини ҳам ижодий ҳамкорлик ришталарини мустақамлашга, ишга янгича муносабатда бўлиб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ундайди. Тошкент шаҳар уй-музейлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик соҳада



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлхазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1617.

Ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона маъноси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова Мусаҳҳи: Асолат Аҳмадқулова Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Маъноси: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:10 Топширилди — 02:20